

# Ishonch

2018-yil 30-yanvar • seshanba • № 13 (3986)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ишлари тиллога айланган маскан

Президентимиз 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига таширфини Термиздаги «Inter Silk Pro» кўшма корхонаси шиллахонаси фаолияти билан яқиндан танишишдан бошлаган эди.

2-бет



## Қалбларда мангу барҳаёт сиймо

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида «Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси» мавзусида хотира талбири ташкил этилди.

3-бет



## Кўза кундамас, кунда синади

Тошкент шаҳридаги «Қурилиш изоляция» УҚда катта прораб бўлиб ишловчи Ш.Холов 2018 йилда пенсияга чиқиб, фарзанду набиралари даврасида умргузаронлик килиш, гузарда тенгқурлари билан суҳбатлашиб, вақтини чоғ ўтказиш ниятида эди. Аммо...

3-бет



## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Қадри устоз ва мураббийлар!

Барчангизни футбол бўйича Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионати финал ўйинида гоҳат оғир ва ноқулай об-ҳаво шароитида том маънода матонат ва жасорат намунасини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритганингиз билан ўз номидан, кўп миллатли халқимиз номидан самимий муборакбод етган.

Сизлар қўлга киритган мислсиз бу ғалаба бутун халқимизга чексиз қувонч бағишлаб, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Бу улкан зафар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни мардлик ва матонат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшади.

Эл-юртимиз сизлар каби мард ва жасур, фидойи ўғлонлари билан, юртимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари билан фахрланади.

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сихат-саломатлик, куч-гайрат, жонажон Ўзбекистонимизнинг шон-шухратини дунёга тараннум этишда доимо ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ҚАШҚАДАРЁ: АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 январь куни Қашқадарё вилоятига келди.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётда Қашқадарё вилоятининг ўрни катта. Вилоятда 50 йирик саноат корхонаси, 57 кўшма корхона, 14 минг 960 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, 20 минг 333 фермер, 19 минг 917 деҳқон хўжалиқлари фаолият юритмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига таширфини чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, ҳудудни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида вилоятда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги қувватларни ишга туширишни кўзда тутувчи кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Вилоятда 2017 йил ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 17 триллион 366 миллиард сўмни ташкил этди. Бандлик дастури доирасида 70 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 2 минг 711, жумладан, саноатда 776, хизмат кўрсатишда 1 минг 115 ва қишлоқ хўжалиги йўналишида 820 та лойиҳа амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга таширфини Яқкабоғ туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш ва қадоклашга ихтисослашган «Дармон шарбати» корхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади.

Қашқадарё заминидан етиштирилган, кўп нуринга тўйинган, унумдор ва баҳоли ҳудудларда пишиб етилган сархил ноз-неъматлар гоҳат мазада ва фойдали дармондориларга бой бўлади.

Шу боис бундай маҳсулотлар юртимизда ҳам, хорижда ҳам бирдек харидордир.

«Дармон шарбати» корхонаси 2017 йил август ойида ишга туширилган. Бу ерда кунига 12 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий, энергиятежамкор ускуналар бир кеча-кундузда 20 тоннага мева-сабзавотни қайта ишлаш қуввати эга. Асосан олма, ошқовоқ ва сабзи шарбати тайёрланмоқда. Келгусида узум, анор ва бошқа қатор сабзавот маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб, шарбат тайёрлаш кўзда тутилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёни билан танишди. Бу ерда жорий қилинган замонавий технологиялар самарали иш жараёни ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминламоқда. Мева-сабзавотларнинг табиий хусусиятлари сақлаб қолинган тайёр маҳсулот 1,5 ва 3 литрли маҳсуслар идишлар — асептик пакетларга қадокланади. Корхона ишчилари касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

Корхонанинг табиий шарбатлари чет эллик харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда россиялик ҳамкорлар билан экспорт қилишувларига эришилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда бу каби корхоналарни кўпроқ ташкил этиш, замонавий технологияларни ўзлаштирган ёшларни тарбиялаш лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун Қашқадарёда имкониятлар ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилоятида

2018-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди.

Китоб туманидаги «East Agro International» МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш лойиҳаси доирасида йилга 8 миллион шартли банка сабзавот консервлари ва жемлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона 2018 йилнинг учинчи чорағида ишга тушириш бўлжамини қўзғалди. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 60 янги иш ўрни яратилади.

«Дармон шарбати» корхонаси томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш ва бола-лар таомлари ишлаб чиқариш, «Шарофат она Қаҳрамон қизи» агрофирмаси томонидан музлаткич омборхонаси қуриш лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Кейинги манзил Шаҳрисабз шаҳри бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб «Дор ут-тиловат» мажмуасини зиёрат қилди. Таомилга биноан ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

«Дор ут-тиловат» мажмуаси Кўк гumbаз масжиди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саййидон макбаралари ва хужралардан иборат бўлиб, уллар асосан XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. «Дор ут-тиловат» сўзи «Қуръон ўқилмаган ёки тиловат қилинадиган жой» маъносини англатади.

2

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларим,  
Мухтарам Президентим!

Сизга ва Ўзбекистон халқига футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатингиз терма жамоаси ғолиб бўлгани муносабати билан ўзимнинг самимий табриқларим ва энг яхши тилақларимни ихсоз этиш мен учун катта шарафдир.

23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Марказий Осиё минтақасидан биринчи бўлиб Осиё чемпионати ғолиблигига эришган мамлакатингиз жамоаси аъзоларининг бутун мусобақа давомида матонат ва жасорат намуналарини кўрсатгани мақтовга лойиқдир.

Мен ишонаманки, ушбу футболчилар яқин келажакда Ўзбекистон футболни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди ва мамлакатингиз ҳамда бутун Осиёнинг гуру-руфтихориға айланади.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг сай-ҳаракатлари билан ўзбек футбол янада юксак погоналарни забт этишига шубҳа қилмайман.

Сизни ишонтириб айтганманки, мафтункор мамлакатингизда футболни янада ривожлантириш ва тарғиб қилишни тўла қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Самимий тилақлар билан,

Салмон бин Иброҳим ал-ХАЛИФА,  
ОФК президенти,  
ФИФА вице-президенти

## Ғалаба муборак!

## «Дунёларни тутсин ЎЗБЕК номимиз!»

Шундай лаҳзалар бўладики, ҳаяжону қувончдан ичингиз тўлиб-тошиб кетади. Кимларгадир «ёрилгингиз» келади. Овозингиз борича бақриб, атрофдагиларга шодлигингизни кўз-кўз қилиб, кўтаринки кайфият онларидан ҳузур қилиб қолишни истайсиз. Бундай дамларнинг энг эсда қоладигани, шубҳасиз, эл-юртга дахлдор бўлган, халқни бирлаштириб, умумқувончга сабаб бўладиган ҳодисалардир. Бу каби умуммиллий кўтариллиш тўлиқлари барча соҳада у ёки бу кўринишда юз бериб туради. Бунда спорт, айниқса, футбол алоҳида аҳамият касб этади. Футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида терма жамоамизнинг мутлоқ ғолиб бўлиши бизга ана шундай фарахбахш лаҳзаларни тўхфа этди.

4



## Миллат юкига елка тутган сиймо

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов янги даврнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик жиҳатдан пухта фикр юритадиган, жаҳонда, минтақада юз бераётган мураккаб воқеа-ҳодисалар моҳиятини чуқур англаб етадиган, Ватани ва халқи, ҳар бир юртдошининг тақдирини учун масъулиятни ҳис қиладиган раҳбар эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «Ислом Каримовни эъзозлаш — нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир». Бу гаплар замирида улкан маъно-мазмун мужассам. Негаки, Биринчи Президентимиз доимо ўз халқига меҳрибон бўлган буюк давлат арбоби ва оқил раҳбар эди. У Ватанимизни тараккий эттириш йўлидаги мислсиз хизмати билан бутун жаҳонда катта ҳурмат қозонди.

3

# ҚАШҚАДАРЁ: АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР

41 Кўк гумбаз масжиди буюк олим ва давлат арбоби Мухаммад Тарагай Улугбек томонидан 1434-1435 йилларда қурилган. Мирзо Улугбек масжиди отаси Шохрух номидан бобоси Амир Темур шарафига бунёд эттирган. Кириш пештоқи равоғида уларнинг номлари ва қурилиш санаси битилган.

Шайх Шамсиддин Қуллоқ макбараси XIV аср охирида барпо этилган. Шайх Шамсиддин Қуллоқ ал Фохурий Амир Темур ҳамда унинг отаси Тарагай Баҳоқирнинг устози ва пиридир. У 1370 йилда вафот этган. Амир Темур устози қабри устига макбара қурдирган.

Гумбази Саййидон макбараси 1437 йилда Мирзо Улугбек фармони билан қурилган. Макбара ичиди XV-XVII асрларга оид бир нечта қабр тошлари бор. Бу қабр тошлари термизлик саййидларга тегишли. Маълумки, саййидлар Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в) авлодиди бўлиб, улуғ зотлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам макбаранинг номи Гумбази Саййидон, яъни Саййидлар гумбази деб ном олган.

Давлатимиз раҳбарининг диний уламолар, меҳнат факрилари билан мулоқотида халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди.

Қашқадарё вилоятини ривожлантириш бўйича жуда катта режаларимиз бор, деди Шавкат Мирзиёев. Қўпгина муаммолар йиғилиб қолган. Уларни ечиш учун ҳаммамиз бир бўлиб ишлашимиз керак.

Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида Шахрисабз киефаси тубдан ўзгарди. Шаҳарнинг тарихий обидалари қайта таъмирланди. Сайёҳлик инфратузилмаси ривожланиб, хизмат кўрсатиш даражаси халқаро стандартлар даражасига етказилмоқда.

Президентимиз 2017 йил август ойида пойтахтимиздаги Қатагон қурбонлари хотираси музейига ташрифи чоғида бир қанча масалалар қаторида Шахрисабз шаҳрида мақом кечаларини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Айни вақтда миллий ўзлантиришни аниқлаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини юксалтиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб бориш керак. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ижросига киришилди.

Мазкур қарорга кўра, 2018 йилдан бошлаб Шахрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз Шахрисабз шаҳрига ташрифи давомида Оксарой майдонида мазкур анжуманини ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иш-шооларини барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди. Халқаро мақом санъати анжуманининг илмий-иждоий концепцияси ҳақида маълумот берилди.

Оксарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва марказ ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, шаҳар маданият саройини капитал таъмирлаш, Оксарой майдонидаги Мақом маркази ҳамда болалар мусика ва санъат мактаби фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган.

Машҳур санъаткоримиз Юнус Ражабийдан кейин, афсуски, ҳеч ким мақом санъатини ривожлантириш билан жиддий шугулланмади. Мақом санъати усталари жуда кам қолган. Уларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев шу ерда мақом санъати усталари билан учрашиб, мақом санъати истиқболлари, халқаро мақом санъати анжуманини юксак савияда ўтказиш ҳақида суҳбатлашди.

Ташрифи доирасида Президентимиз Оксарой майдондаги «Коба» маданият мажмуасида вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди.

Лойиҳалар иқтисодий жиҳатдан ранг-баранг

бўлиб, барчаси аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган.

Дастлаб Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режаси тақдим қилинди. Режага кўра, 167 лойиҳа амалга оширилади. Хусусан, замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт хизматлари кўрсатиш, дам олиш ва кўнгулчилик ҳудудлар ташкил этиш, тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш кўзда тутилган. «Ўзбектуризм» давлат кўмитаси томонидан тақдим этилаётган лойиҳалардан яна бири эко ва этнотуризмни ривожлантириш, Амир Темур туғилган манзилни туризм масканига айлантиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари бугун дунёда қўллаб-даватлар бу соҳани ўзлаштириш, катта даромад олаётганини таъкидлар экан, юртимизда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича топшириқлар берди.

Яна бир муҳим ташаббус Қашқадарё вилояти кўп қаватли уй-жой фондиди таъмирлаш дастурини амалга ошириш ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Вилоятда жами 1 минг 656 та кўп қаватли уй-жой бўлиб, уларга 151 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Маълумотларга кўра, Утган йили 346 та кўп қаватли уй-жой таъмирланган. Тижорат банклари томонидан 13 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Жорий йилги дастурда 48,1 миллиард сўм жалб этиш кўзда тутилган.

Қашқадарё вилояти бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ тўловчилар сони, йиллик корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган тўловлар, жорий йилги прогноз кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар навбатдаги тақдимотда намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёевга жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари ва ер майдонларини ҳисобга олиш ва солиқ ундириш ҳисобидан бюджетга тушумлар, туман ва шаҳар солиқ инспекцияларининг намунавий тузилмалари тўғрисидаги лойиҳаларни соҳа раҳбарлари тақдим қилди.

Вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасида ичимлик суви олиш ишоотлари қуриш, 77 километр магистрал, 162 километр ички тармоқ тортиш, 16 та сув тақсимлаш ишооти қуриш режалаштирилган. Тошгузар – Шахрисабз – Китоб темир йўлини модернизация қилиш ва электрлаштириш назарда тутилган. Шахрисабз шаҳрига чегара тездор поезди катновини йўлга қўйишни кўзда тутди.

Бугунги кунда вилоят аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўла таъминланмагани ачинарлидир, деди Президентимиз. Бу долзарб масалани қисқа вақтда ҳал қилиш учун бор имкониятимизни ишга солишимиз лозим.

Шахрисабз шаҳри ва туманида меҳнат бозорини барқарорлаштириш бўйича «Йўл харитаси»га алоҳида эътибор қаратилди. Лойиҳадан вақтинча ишчилар ҳақида маълумот, касбга ўқитиш марказларини ташкил этиш, касбларга бўлган талаб каби маълумотлар ўрин олган.

Президентимиз вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг муҳим масаласи эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф буюрмасин, албатта, ёшлар, уларнинг тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратади. Халқимиз – болажон. Фарзандлари ўзидан ўзинини, ҳар томонлама ривожланган, баркамол бўлиб улгайишини ниёт қилиб яшади. Мамакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат муассасалари билан бирга, нодавлат боғчалар ҳам кенг жалб этилаётгани замирида ана шу эзгу орзу-умидлар мужассам.

Президентимиз Шахрисабз шаҳрида давлат шериклиги асосида ташкил этилган «Вундеркинд» (Билимдон бола) номи хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишиш асосида асосий эътиборини айни шу масалага қаратди.

Инглиз тили ва компютер билимларини чуқур ўргатишга иктисослашган мазкур нодавлат боғчада мактабгача таълимда бола шахсини ривож-

лантиришга қўйилаётган давлат талабларининг асосий йўналишлари қамраб олинган. Ҳар бир қаватдан кичиктойларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний салоҳиятини ўстириш учун унумли фойдаланилган.

Биринчи қаватда мусика ва рақс, спорт заллари, шахмат-пашка хонаси, мўъжаз кўнжоч театри жойлашган. Иккинчи қаватда ошхона, табиёт хоналари мавжуд. Учинчи қаватда мактабга тайёрлов гуруҳи ва кичик ёшдаги гуруҳлар учун машғулот хоналари, 2 та ётоқхона ўрин олган. Ҳовлидаги ўйин майдончасида тури аттракционлар ўрнатилган.

Президентимиз муассасада яратилган шароитни юксак баҳолади. Мазкур боғча мисолида Шахрисабз шаҳрида яна 25 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш, боғча мудираси, Зулфия номидаги Давлат мукофот совриндори Шахноза Холмаҳмадовага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобил совға қилиш бўйича топшириқ берди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда Қашқадарё вилоятида хусусий шериклик асосида ҳамда давлат томонидан қуриладиган мактабгача таълим муассасалари дастури тақдимоти билан танишди.

Шу кун Президентимиз расмийда Чирокчи тумани ҳокимлиги биносиди Қашқадарё вилояти фаолилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятда бажарилган ишларни тахлил қилиб, жорий йил ва яқин истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб чора-тадбирларни белгилаб берди. Видеоалока орқали барча туманлар фаоллари билан ҳам мулоқот қилинди.

29 январ куни давлатимиз раҳбари Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 феврал кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Абу Муин Насафий макбарасини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, буюк олим асарларини халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берган эди.

Айни пайтда мазкур зиёратгоҳда кенг қўламли таъмирлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Абу Муин Насафий калом илмининг буюк наомиядларидан бири бўлиб, Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунёда кенг тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган аллома-лардан эди.

У киши илму урфонда етук, зиёли бир оилада улғайган. Аждодларидан ақсарияти, айниқса, фикҳ илми соҳасидаги улкан салоҳиятлари билан халқ орасида обрў қозонган. Абу Муин Насафийнинг катта бобоси Махсуд Насафий Имом Мотуридийнинг шоғирди бўлган. Бобоси Муътаммил ибн Махсуд Насафий эса ханафий олимлар орасида машҳур эди. Абу Муин Насафий бошланғич илмни бобоси ва отасидан олади.

Араб олими Хайридин аз-Зирқийл «Ал-Аълум» асариди ва Умар Ризо Каххоло «Муъжам ал-муаллифин» асариди Абу Муин Насафийнинг 1027 йил Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида тутилган зикр этган. Унинг вафоти ҳақида эса аксар манбаларда 1114 йил кўрсатилган.

Жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланган Абу Муин Насафий асарлари орасида «Табсира ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий», «Баҳрул-калом фи илм ул-калом» ва «Ат-тамхид ли коваидит ул-тавхид» китоблари жуда эътиборли ҳисобланади. Унинг «Табсира ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий» (Дин асосларини имом Абу Мансур Мотуридий тариқатида бинонан далиллар билан шарҳлаш) асариди мотуридия таълимоти далиллар билан шарҳланади. Олимнинг «Бахр ул-калом фи илм ул-калом» асари мотуридия мактабининг калом илми бўйича асосий манбаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари уламолар билан суҳбатда буюк бобоқалонимиз асарлари бугунги кун учун ҳам гоё аҳамиятли экани, уларни қайта нашр қилиб, мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз зиёратгоҳда сақланаётган қадимий Куръон нусхасини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Қарши туманидаги «Бахт» кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюриб, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳалар билан танишди.

2001 йилда ташкил этилган «Бахт» фермер хўжалиги 278 гектар ерда чорвачилик, паррандачилик, туячилик, йилқичилик, қуёнчилик билан шугулланади. 4 гектарда интенсив боғ, 1 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилган. Хўжаликда ўтган йили 55 тонна гўшт, 355 тонна сут, 64 миң дона тухум, парранда гўшти, балиқ етиштирилган. Гўшт ва сут шу ернинг ўзида қайта ишланиб, бозорга тайёр махсулот ҳолида етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалигига қўшимча тармоқларни ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини янада кўпайтириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда вилоятда озик-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш, аччик қалампир, қоврак плантациялари ташкил этиш, чорвачилик, қурқачилик мажмуалари, пистазор ва ёнғокзорлар барпо этиш, сутни қайта ишлаш, асарларчилик лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Президентимиз ўрмон хўжаликлариди интенсив усулда қўчат етиштириш ҳамда ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланишга оид лойиҳа билан танишар экан, Тошкент давлат аграр университети магистратурасини битириб, Шахрисабз туманида 4 сотиш ерда 6 ойда 50 миңта 1 ёшли лимон қўчати етиштирган Абу Саидовнинг инновацион ишланмасига алоҳида тўхтади.

Интенсив усулда, микроклимат шароитида парваришланган бу қўчатлар одатдаги қарағанда икки марта тезроқ ўсади.

Лимончилик нафақат Қашқадарё воҳаси, балки мамлакатимиз учун сердармад соҳалардан. Бу тармоқни ривожлантириш иқтисодий таъминоти рақобатбардошлигини ошириш, қўшимча даромад манбаини яратишга хизмат қилади. Шу бонс мазкур истиқболли йўналишни қўллаб-қувватлаш, Қашқадарё мисолида лимончилар уюшмасини ташкил этиш лозим, деди Шавкат Мирзиёев. Янги уюшманинг тавсияси «Агробанк» бўлади.

Қашқадарё вилоятда терини қайта ишлаш ва чарм-поябаз кластерини барпо этиш, аҳолини тухум ва парранда гўшти билан таъминлаш, «Еузор текстиль импекс» МЧЖ томонидан энгил саноат мажмуаси ташкил этиш, лампа ерларда дойирвор ўсимликлар етиштириш ҳамда Миршкор туманида калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофича муҳомаа этилди.

Президентимиз, Куролли Қучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Хонобод ҳарбий аэродромиди бўлди. Учувчилар билан суҳбатда мамлакатимизнинг янги Мулоффа доктринаси мазмун-моҳияти, Ватан ҳимоячиларининг бурч ва масъулияти ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси калбларни гурурга тўлдирувчи, юракларни хаяжонга солувчи мамлакатнинг бош қўшиғидир. Уни ҳар сафар тинглаганимизда кўнглимизни шу юртининг фарзанди эканимиздан ифтихор туйғулари қамраб олади.

Шу хаяжонни ўзининг истеъдоди билан дилларга сингирган, она Ватанга мухаббатнинг сўзлар орқали ифодасини топан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеърлари кириб бормаган хонадон йўқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил феврал ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида Абдулла Орипов хайкалинини яратиш лойиҳаси билан танишар экан, лойиҳани такомиллаштириш, бу ерда Абдулла Орипов номидаги мактаб ва унинг ижодига бағишланган музей ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Орадан қарийб бир йил ўтди. 29 январ куни давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа ижроси билан танишди.

Такомиллаштирилган лойиҳа асосида бу ерда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номидаги иқтисодлаштирилган мактаб-интернати барпо этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 май-

даги «Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга иктисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида бунёд этилган илм даргоҳи олдиди қаҳрамон шоиримизнинг хайкали қад ростлади. Хайкал орқасидаги деворга шоирнинг шеърларидан намуналар битилди.

Мактабнинг биринчи қаватида Абдулла Орипов музейи ташкил этилди. Музейга шоирнинг буюмлари, унга қилинган турли совғалар жойлаштирилди.

Мактаб 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, 200 ўринли фаоллар залига эга. Мактабга ўқувчилар 5-синфдан танлов асосида қабул қилинади.

Шавкат Мирзиёев мактаб фаолияти билан танишди. Музей, ўқув хоналарида бўлди, мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашди.

Мактаб ўқувчилари Ибройим Юсупов, Мухаммад Юсуф, Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаблар ўқувчилари билан онлайн боғланиб, мушоира ўтказди. Абдулла Орипов шеърлари ва ўзлари ёзган шеърлардан намуналар ўқиб берди.

Давлатимиз раҳбари уларга Абдулла Ориповдек буюк шоир номига муносиб бўлиш, ўз истеъдодлари билан жаҳонга машҳур инсонлар бўлиб етишиш тилдақларини билдирди. Бир гуруҳ ўқувчиларга совғалар топширди.

Қашқадарё вилоятда тўқимачилик ва тикув-трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жараёнга хоржий инвесторларни кенг жалб қилиш, махсулотларни экспортга йўналтириш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йил Қарши туманида «LT Textile International» хоржий корхонаси, Қарши шаҳрида «Sulton Tex Group» хусусий корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари Қарши тумани «Қоратеп» кишлоқ фуқаролар йиғинидаги Файзобод кишлоғида жойлашган «LT Textile International» хоржий корхонасида бўлди.

Президентимиз ўтган йил феврал ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи доирасида ушбу корхонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишган, қурувчиларга ўз маслаҳат ва тавсияларини берган эди.

Хитойлик инвесторлар маблағи эвазига бунёд этилган мазкур корхонанинг биринчи босқичи 2017 йил июл ойида фойдаланишга топширилди. Бу ерга Германия ва Швейцариядан замонавий ва энергиятежамкор тўқимачилик асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди. 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. 60 нафарга яқин ёшлар Хитойда касб маҳоратини ошириб қайтди.

Корхонада пахта толаси қайта ишланиб, йилга 22 миң тонна ип-калава ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Махсулотнинг асосий қисминини экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Ўтган даврда 4 миң 600 тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланиб, 3,5 миң тоннадан зиёд ип-калава экспорт қилинди.

Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан танишди, ишчи-ҳодимлар билан мулоқот қилди. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшадиган хоржийлик инвесторларга барча шароит яратиши айтилди.

Бизнинг асосий мақсадимиз экспорт фаолиятини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда Қашқадарё вилоятида тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш дастури тақдим этилди. Хусусан, «LT Textile International» масъулияти чекланган жамиятининг ривожлантиришининг II ва III босқичлари доирасида амалга оширилаётган ишлар лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. 2019 йил иккинчи чорагида лойиҳа фойдаланишга топширилгач, ип-калава ва аралаш ип-қашлама ҳажми оширилади, 650 иш ўрни яратилади.

Қарши шаҳридаги «Sulton Tex Group» хусусий корхонасида энгил саноатини ривожлантириш бўйича режалаштирилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ислоҳотлар — амалда!

## Ипаклари тиллога айланган маскан

Президентимиз 19-20 январ кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифини Термиздаги «Inter Silk Pro» қўшма корхонаси пиллақонаси фаолияти билан ақиндан танишишдан бошлаган эди.

Ипак курти етиштираётган пиллақорларнинг меҳнати бугунга келиб қадр топмоқда, чунки бозор иқтисодиёти бошқалар қатори соҳа ходимларини ҳам тадбиркорликка ўргатаётди. Пилла ҳосилдан ҳам кўра уни қайта ишлашдан кўпроқ даромад олиниши соҳа мутахассисларини қизиқтириб қўйган.

Сурхон воҳаси тадбиркорларининг саъй-ҳаракати билан Термиз шаҳрида «Сурхон ипаги» масъулияти чекланган

жамияти ташкил этилган. Вилоят пиллақорлари етиштирган хослининг асосий қисми бугун шу корхона цехларида қайта ишланаётти.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхонада қуруқ пилладан ипак ишлаб чиқариш, ипак калава тайёрлаш ва ипакка ишлов бериш жамоадагилар чикитси технология асосида меҳнат қилишаётди. Бугун корхонанинг гуриллаб ишлаётган цехларида пилла

чикиндиларидан ҳам момик ипак тайёрлаиб, мўмай даромад олинаётти.

— Корхонамизга жалб қилинганларнинг ақсарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар, — дейди корхона мутахассиси Бекзод Худойкулов. — Ип йигирув цехи ишчилари устозлари кўрсатмаларига амал қилиб, пиллани қайта ишлаш ва ундан ипак олиш, ипак калава тайёрлашни тез ўзлаштириб олишди. Бугунгача 26 тоннадан кўпроқ калава ип тайёрлашга эришилди. Ишчилар учун корхона ошхонасида ҳар кун бепул иссиқ овқат берилади. Бундан ташқари, ишчан мутахассислар, тажрибали ишчилар му-

кофотлаб борилади. Раҳбарият ва касба уюшма кўмитасининг ҳамхўрлиги, ижтимоий кўмагидан руҳланган ишчилар махсулот ишлаб чиқариш ҳажминини тобора ошириб бормоқда. Шойи магога ўзимизда ҳам, хоржда ҳам эҳтиёж катта. Бундан ташқари, тайёр ипак ипни хоржга экспорт қилиб, қуруқ пилла нархига нисбатан тўрт-беш баробар кўпроқ даромад олиш мумкин.

«Сурхон ипаги» масъулияти чекланган жамияти жамоаси пиллани қайта ишлаш ҳисобига мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«Ishonchs» муҳбири



# Миллат юкига елка тутган сиймо

41 Таъкидлаш жонки, халкимиз истиклол даврида эришилган барча муваффакиятлари ҳақли равишда Ислоҳ Каримов номи билан боғлайди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритилган улкан ютуқларда, ҳаётга татбиқ этилган оламшумул лойиҳаларда бевосита Биринчи Президентимизнинг шахсий ташаббуси, жонқурлиги, ғайрату шижоати жо бўлган. Шу маънода Ислоҳ Каримовнинг яратувчанлик фазилатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, бебаҳо бойлигимиз саналган мезморий ёдгорлик ва муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш доимий равишда давлат арбобининг диққат-эътиборида бўлган. Бугунги кунда Ислоҳ Каримов ташаббуси билан қайта тикланган қўшнани тарихий обидалар жаҳон тамаддунининг хазинасига айланган.

Шу ўринда айтиш керакки, Ислоҳ Каримов жуда қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчилик ва синовларга қарамасдан, тарихан қисқа вақт ичида Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантирди. Буюк Йўлбошчи ўзининг серкирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан юртимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсда хурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди. Испаниянинг Мадрид Мухторият университети профессорси Хесус Фуэнсента таъкидлаганидек, «Ўзбекистон раҳбари нотинч минтақада жойлашган мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигининг мезмори эди». Шу билан бирга, Ўзбекистон Ислоҳ Каримов раҳбарлиги даврида БМТнинг Низомида, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мезорларда белгиланган тамойилларга риоя қилган ҳолда сиёсат олиб боргани диққатга сазовор.

Маълумки, Ислоҳ Каримов Қашқадарёга энг оғир, вилоят ҳар томонлама чуқур инкирозга ботган, халқ эса тушқунлик қайфиятига тушган бир даврда раҳбар бўлиб келган. Ўша пайтда «пахта иши» никоби остидаги қатагонлар авжига чикканида ҳар бир хўжалиқдан бригадирдан тортиб раисгача терговга чақирилиб, қамоққа олинган. Халқ мураккаб аҳволда қолган эди. Айниқса, адолатсиз қамалган ва терговга чақирилганларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари прокуратура ва суд идораларига қатнаб овор-ю сарсон эди. Қўччилик давлат идораларига мурожаат қилар, бироқ улардан ҳеч қандай ёрдам ололмади. Бу етмаганидек, 1986 йили «марказ»нинг «қайта қуриш» сиёсати нафақат вилоятда, балки бутун мамлакатда жамият ҳаётининг барча асосий соҳаларида инкирознга юзага келтирганди. Шу жараёнда Ислоҳ Каримов ўзининг оқилона қарорлари, амалий ишлари билан халқда эртанги кунга бўлган ишончни тиклаб бошлади. Доимо халқ билан бирга бўлиб, унинг дарду ташвишларини аритишга интилдди. Натижанда, қисқа вақтда жойларда меҳнат ва ҳордик чикариш шаронти яхшиланди. Шийпонларда иссиқ овқат тайёрланадиган бўлди, дўконлар очилди. Улардан нон, қалокланган чой, туз, шакар-қанд, соғун, мой, гугурт ва шунга ўхшаш рўзгор учун керакли маҳсулотлар бор эди.

Ҳақиқатан, Буюк Йўлбошчимизнинг феъл-атвори ва инсоний фазилатларининг чуқур илдизлари халқ билан бирлашиб кетган. Шунинг учун ҳам «пахта иши»нинг амалда қатагоннинг янги кўриниши эканини Ислоҳ Каримов оддий одамларга яқинлиги туфайли тезда англаб етди ва халқ нажот истаб янги раҳбар қабулига оқиб

кела бошлади. Ислоҳ Каримов уларнинг ҳар бирини қабул қилиб, ёрдам беришга ишонтариб хотиржам қилиши қашқадарёликларда умид уйғотди. Бу умидлар рўёбга чиқа бошлади, воҳа аҳлининг янги раҳбарга нисбатан меҳр-муҳаббати ортди. Хулоса ўрнида айтганда, «Инсонга наф келтириш — олий бахт», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган юксак ва пурмаъно сўзлар ёки меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб иш ва дам олиш шаронти яратилди, оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби устувор вазифалар Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг раҳбарлик фаолиятига сингиб кетган эди.

**Муножот НОРОВА,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида волейбол ҳамда мини-футбол бўйича мактаб ўқитувчилари ўртасида хотира турнири ўтказилди.

## Биринчи Президентни хотирлаб

— Халкимизнинг оташқалб фарзанди, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтдик, — деди тармок қасаба уюшмаси туман кенгаши раиси Абдуҳаким Шакарбоев. — Қайд этиш лозимки, Ислоҳ Каримов улуг йўлбошчи сифатида мустақил Ўзбекистон ва жонажон халқ манфаатларини ҳамisha юқори тутди.

Тадбирда сўзга чиққанлар халқимизнинг буюк фарзанди ҳақидаги тарихий ҳақиқатни бутун барча, айниқса, ёшларимиз тўлиғича англаб етиши муҳимлигини таъкидлашди.

Яқунда мусобақа ғолиблари ҳамда фаол иштирокчилар тармок қасаба уюшмаси туман кенгашининг дипломи ва кимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Насиба ИРГАШЕВА,**  
Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Ғаллаорол тумани кенгаши масъул ходими

Сурхондарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан хотира тадбири ўтказилди. Унда қасаба уюшма фаоллари, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

## Барҳаёт сиймога эҳтиром

Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Ахмедов истиклол туфайли халқимиз ўзлигини топгани, дунёда ўз ўрнига эга бўлгани, бугун байрогимиз халқаро майдонда, жаҳон ареналарида хил-пираганда кўксимиз гурурга тўлиши, буларнинг барида буюк давлат ва сиёсат арбобининг хизматлари бекиб-белгилани таъкидлади.

Биринчи Президентимиз би-

лан юзма-юз мулоқотларда бўлган меҳнат фахрийси Тошпўлат Бобоев, Термиз давлат университети профессорси Юсуф Вализода Дарбандий ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг 25 йиллик тарихи Ислоҳ Каримов номи билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этиб, мамлакатимиз тараққиёти ва юртимиз ободлиги бардавом эканлигига ишонч билдиришди.

Ўз муҳбиримиз

### Маънавият соати

## Қалбларда мангу барҳаёт сиймо

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида «Ислоҳ Каримов — мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси» мавзусида хотира тадбири ташкил этилди.

Унда Биринчи Президентимизнинг ҳаёт йўли, мустақил давлат асосчиси сифатида тутган ўрни хусусида сўз юритилди. Жумладан, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири ўринбосари Шухрат Жабборов ўз маърузасида андижонлик 6-синф ўқувчиси Зайнаб Шамсидинованинг Буюк Йўлбошчимиз ҳақида ёзганларини ўқиб, бу зот хотираси келажак авлод қалбида ҳам мангула муҳрланганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик институти катта ўқитувчиси Нигора Саидалиеванинг мавзуга доир маърузаси тингланди. Ислоҳ Каримов ҳаётига доир видеолар ва тақдиротлар намойиш этилди.

**Сулаймон ҲАЙДАРОВ,**  
«Ishonch» муҳбири

\*\*\*  
Навоний вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Ислоҳ Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси» мавзусида «Маънавият соати» бўлиб ўтди.

— Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Рес-

публикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори халқимиз қалбидagi эҳтиромнинг амалдаги ифодаси бўлди, — дейди бирлашма кенгаши раиси Назира Тоғаева. — Маърифатли халқлар ўзини озодликка олиб чиққан раҳнаомларини абадий эъзозлайди. Ислоҳ Каримов раҳбарлигида бошқа соҳалар қатори халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром, муқаддас динимиз, ўзлимиз, анъана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаш ва тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

— Бундай кутлуг саналар тарихимиз, миллий ўзлимизни англашга, халқимиз, айниқса, ёшларимизни эл-юртимизга бутун борлигини бериб, фидойилик кўрсатиб яшаган улуг инсонларнинг ибратли фаолияти билан таништиришга хизмат қилади, — деди бирлашма бўлим мудири Анара Бобомуродова.

Тадбир сўнида Ислоҳ Каримов хотирасига бағишланган «Эъзоз» номли видеоролик намойиш этилди.

**Дилфарўз ҲОЗОВА,**  
«Ishonch» муҳбири

### Фотофакт

## Кўза кундамас, кунда синади

Тошкент шаҳридаги «Қурилиш изоляция» УҚда катта прораб бўлиб ишловчи Ш.Холов 2018 йилда пенсияга чиқиш, фарзанду набиралари даврасида умргузаронлик қилиш, гузарда тенгқурлари билан суҳбатлашиб, вақтини чоғ ўтказиш ниятида эди. Аммо...

2017 йил феврал ойи. Ш.Холов қурилиш давом этаётган ҳудудда ҳимоя бош қийми қиймасдан вазибасига киришди. Бахтсизлик оёқ остида экан. Юқори қаватда ишлаган ишчилардан бирининг қўлидан чиқиб кетган гишт унинг бошига келиб тушди. Оқибати ўлим билан якунланган бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Бир оиланинг бошига оғир қулфат ёғилди. Қолаверса, бахтсиз ҳодиса раҳбариятининг масала юзасидан керакли идораларга қўйлаб тушун-

тиришлар беришга, айбдорларни топши, жазолаш, марҳумнинг оиласига миллионлаб сўм компенсация пули тўлашга мажбур қилди. Ваҳоланки, меҳнат муҳофазаси қондасига амал қилинганда, шунча ботогрик йўқ эди, энг муҳими, бир инсоннинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлмади.

Бугун республикамизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимизда ҳам кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарнинг барча туманларида замонавий кўпқаватли турар жой, инфратузилма объектлари бунёд этилаётир. Аммо ҳамон айрим қорхона-ташкilotларда меҳнат муҳофазаси қондаларига амал қилинмаётгани кишида ташвиш уйғотади. Мисол учун, Чилонзор туманининг Муқимий кўчаси бўйлаб қад ростлаган қурилиш объектларида ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси қондаларини кўпол равишда бузаётганига гувоҳ бўлдик. (Қурилиш «Голден хаус» қорхонаси томонидан олиб борилмоқда). Биноларнинг юқори қаватларида меҳнат қилаётган ходимларнинг на ҳимоя бош қийми, белбоғи бор, на махсус қийим-бош қийган. Устига-устак, ёш қурувчилар кўчадан ўтаётганларга шўхлик қилиб, турли қилқлар ҳам кўрсатишмоқда. Ажабланирлиси, уларни бу ҳолатда объектга киритган, ишлашига рухсат берган қорхона раҳбарияти, меҳнат муҳофазаси бўйича инспектор билан суҳбатлашмоқчи бўлганимизда қоровуллар раҳбарлардан ҳеч ким йўқ эканини айтишди. Меҳнат муҳофазаси бўйича инспектор ёки бошқа бирор масъул шахс бўлмаса, ходимлар бино тепасида нима қилишяпти. Уларнинг соғлиги, ҳаётига ким жавоб беради?

Яна бир ҳолат. Байрамлар арафасида кўчаларимизнинг ясатилиши одатий ҳол. Симёғочлар ранг-баранг байроқ ва чироклар билан безатилади. Албатта, бу ишлар билан туман, шаҳарларнинг ободонлаштириш бошқармалари шугулланади. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳам кўчаларимиз таровати учун масъул. Аммо айрим ҳолларда бошқарма ходимлари томонидан хавфсизлик қондаларига панжа ортидан қаралаётгани кўнгилни хижил қилади. Биз кузатган ҳолатда байрам олдидан бошқарма ходими байроқларни автобус тепасига ҳеч бир ҳимоя воситасиз



чиқиб олиб симёғочга осиб келаятганди. Ишқилиб, мазкур ходим ўша кунни уйига, фарзандлари олдига соғ-омон етиб борган бўлсин. Бироқ шундай пайтда бирор ҳалоқат юз берса-чи?

Шу ўринда ўтган йили рўй берган яна бир ҳолат ёдга тушади. Тошкент шаҳрида жойлашган «Махсусюктранс» МЧЖда хайдовчи-экспедитор бўлиб ишловчи 1966 йилда туғилган Анвар Исмоилов ўзига бириктирилган автотранспорт воситаси кузови устига чиқиб, ортилган кўмирни тартибга келтириш чоғида кузов устидан йиқилиб тушди. Натижанда, ходим оғир тан жароҳати олди. Маълум муддат касалхонада даволашига тўғри келди. Қорхона ҳам яхшигина моддий зиён кўрди.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, дунё бўйича ҳар йили икки миллиондан зиёд, ҳар кун эса 6 минг нафар инсоннинг ишлаб чиқаришда ҳалок бўлиши, 270 млн.дан орттиқ ишлаб чиқаришда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар дунё ялли ички маҳсулотининг 4 фоизи йўқотилишига сабаб бўлмоқда. Демак, меҳнат муҳофазаси энгил қараладиган, эътиборсиз ташлаб қўйиладиган масала эмас экан.

**Улғубек ИБДИНОВ,**  
«Ishonch» муҳбири  
**Шоҳсанам МИРЗОЛИМОВА,**  
журналист

### Реклама ва эълонлар



O'ZMILLIYBANK

## Ўзмиллийбанкдан янги омонатлар!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жисмоний шахслар учун хорижий валютада янги муддатли омонатларини амалга киритганлигини маълум қилади:

«САМАРАЛИ» — АҚШ ДОЛЛАРИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТИ

- омонатни сақлаш муддати — 2 ой;
- йиллик фойз ставкаси — 4%;
- қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларларида тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фойзлар капитализация қилинмайди;
- омонатга маблағлар омонат тури бекор қилинганга қадар қирим қилинади.

«ИШОНЧ» — АҚШ ДОЛЛАРИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТИ

- омонатни сақлаш муддати — 6 ой;
- йиллик фойз ставкаси — 4,5%;
- қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- ҳисобланган фойзлар ҳар ойда АҚШ долларларида тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фойзлар капитализация қилинмайди.
- омонатга маблағлар омонат тури бекор қилинганга қадар қирим қилинади.

«БАРҚАРОР» — АҚШ ДОЛЛАРИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТИ

- омонатни сақлаш муддати — 1 йил;
- йиллик фойз ставкаси — 5%;
- қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- ҳисобланган фойзлар ҳар чоракда АҚШ долларларида тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фойзлар капитализация қилинмайди.
- омонатга маблағлар омонат тури бекор қилинганга қадар қирим қилинади.

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзининг масъул деб ҳисоблаймиз!**

Қўшимча маълумотларни (0 371) 148-00-10 телефони орқали ёки банкинг истаган филиалларидан олишингиз мумкин.  
[www.nbu.uz](http://www.nbu.uz)

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Илдам кўча, 17-хонадонда яшовчи Аюпов Ҳожимурод Каримовичнинг номига берилган уй қадастри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси қасаба уюшмалари тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган қасаба уюшма фахрийси  
**Бўри АЛЛАМУРОВО**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



# «Дунёларни тутсин ўзбек номимиз!»



Рустам НАЗАРМАТОВ олинган суратлар

41  
Очиги, сўнгги йилларда, жумладан, миллий терма жамоамизнинг жорий йил Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш босқичида муваффақиятсиз иштироки, клубларимизнинг нафақат ички чемпионатлардаги бир қадар нурсиз ва зерикали ўйинлари, балки клублар ўртасидаги Осиё чемпионатидаги муваффақиятсиз ўйинлари мухлислар кайфиятига салбий таъсир этгани бор гап. Аҳолининг ўзбек футбол салохиятига, келажикига катта шубҳа билан қарай бошлагани ҳам ҳақиқат. 4-5 йил аввал жамоаларимизнинг ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақалар (Осиё ва Жаҳон чемпионатлари)даги ғалабали одимлари бахш этган кўтаринкилик сўнгги пайтларда сўниб бораётгандек эди. Ахир ўша пайтда Осиё чемпиони бўлган, жаҳон чемпионатида кучли саккизликка кирган жамоаларимиз йигитларнинг юлдузли даври тез барҳам топиши мухлисларни гангитиб қўяди-да.

Напожада, миллий футболимиз ичида ва атрофида турли гап-сўзлар кўлайди. Ўрнили танқидлар «ёмғир» бориб-бориб «салага» айлана бошлади. Ўтган бир йилда юз бераётган барча соҳадаги шиддатли ислохотлар, жамоачилик фикри, қолаверса, Ўзбекистон футбол федерациясидаги ташкилий ўзгаришлар замирида маълум силжишлар юз бераётти: клублар ва ички чемпионатни кучайтириш, халқаро тажриба алмашинувларни кенгайтириш, ички тартиб-қондани мустаҳкамлаш, авж олган таниш-билишчилик ва коррупцияга қарши жиддий кураш ва шу каби бошқа жараёнлар футбол ижтимоидларини норозиликка тўлган ҳо-вурини бироз пасайтиришга замин яратмоқда. Яқингинада бўлиб ўтган ҳисобот конференциясида Ўзбекистон футбол федерацияси Ўзбекистон футбол ассоциациясига айлантирилиши ва футболни ривожлантириш борасидаги аниқ вазифаларнинг белгилаб олиниши ҳам футбол-севар халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Бу жараённинг самараси эса стадионларда тўпни измига бўйсиндирувчи футболчиларимиз салохияти ва муваффақияти билан баҳоланади. Унга ҳиссиётга берилмаганимиз маъқул. Негакки, ўтган чорак аср давомида футболимиздаги кўтарилишу шўнғишлар шундан далолат беради.

Аммо 27 январ куни, юқорида айтиб ўтганимиздек, Хитойда бўлиб ўтган футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати финали футболимиз ҳали уйқоклигини, уйғоқ бўлганда ҳам шижоатга тўлиб бораётганини намён этгандек бўлди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Вьетнам ёшлар терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобидаги матонатли ғалабаси чемпионат бошидаги Қатар ёшлар терма жамоасига ютқизгани тасодиф эканини кўрсатди. Япония ва Жанубий Корея устидан йирик ҳисобда қозонилган ғалабалар ҳам буни исботлагани эди, аслида. Эътибор қилинг-а, футболчиларимиз гуруҳдан чиққан, плей-оффдан бошлаб уч ўйинда 10 гол уришди. Ушбу голлар стандарт вазиятлардан, тезкор қарши ҳужумлар ҳамда позиция ҳужумлардаги чиройли комбинациялар орқали киритилди. Голларни урган футболчиларнинг кўпчилиги жамоа ўйинида ранг-баранглик ва ҳужумкорликни акс эттириб турибди.

Финал ўйини кўп жиҳатлари билан эсда қоладиган бўлди. Аввало, футболнинг деярли тўрт соатга чўзилгани ва шу муддат ичида мухлисларни ҳаяжон устида ушлаб турганини алоҳида айтиб ўтмоқчимиз. Яъни, 120 дақиқадан ташқари, яна деярли бир соатлик танаффусни ҳам барча ҳадигу ҳаяжонда ўт-



казди. Нера? Са-волга жавобни таф-силотлари билан беришга ҳаракат қил-сак. Ўйиннинг 8-дақиқа-сида химочия Рустамжон Ашурматов Достонбек Ҳамла-мовнинг бурчакдан узатган тўпни боши билан дарвозага жойлаб қўйди. Шунда ҳамма барабар «oooooooo!» дея қалқди. Ўша кунги совуқ ҳаво бирдангила илб кетгандек бўлди. Ўйин-нинг 41-дақиқасида вьетнамлик Нгуен Ку-анг Хаи томонидан дарвозамиз томон қўйилган жарима тўпни муваффақ-иятли амалга оширган эса 30 дақиқа-дан кўпроқ чўзилган ҳаяжонимизни ҳадикка маҳқум этди. Шу дақиқадан бошлаб, асосий вақт ўтиб, кўшимча таймларнинг сўнгига қадар барча экранга «ёпишиб» қолди: гоҳида рақиб томонидан ташкил этилган хавфли вазия-тларнинг самарасиз якунида «хайрият-е» деб юборсак, терма жамоамиз томони-дан уюштирилган қалтис ҳолатлардан сўнг эса «оҳ» дея афсусланган пайтла-римиз анчагина бўлди. Футбол-нинг маъзи ҳам шунда: қувонч, ҳадик ва ҳаяжон уйғунлашди, ўйин сўнгига қадар барчанинг диққатини «сушлаб» туради. Қорли ва совуқ об-ҳавода, ноқулай шароитда бундай қизқарли ўйин кўриш ҳам биз, мухлис-ларга насиб этган «анқонинг уруғи» бўлди.

Яна бир эсда қоларли ҳолат: аввалига оппоқ майдонда оқ либосда туп сурган футболчилари-миз деярли бир соатлик танаффусдан кейин тоза-ланган майдонда кўк либосда ўйинни давом эт-тиргани бўлди. Тинимсиз қор ёғиб турганига қа-

рамай хушёрликни бир дақиқа бўлса-да унутмай, маҳорат билан ўйнашга ҳаракат қилишгани ҳам мухлисларимиз хотирасида муҳрлини турган гап. Чунки, жаҳон футбол тарихида ҳам қорли стадионда, узоқ танаффус билан, устига-устак икки хил либосда ўйнаш ҳолатлари учрамаса ке-рак. Шубҳа йўқки, финал ўйинидаги барча ҳолат-ларни футболчиларимиз катори мухлисларимиз ҳам ич-ичидан туйишди. Энди шу совуқда 2 со-атлик ўйин етмаганидек, футболнинг ўта хаво-тирли ва ҳаяжонли ҳолати бўлган пеналтилар сериясига барчамиз, гол уришга умидла-ниб турган бўлсакда, ишона бошлаг-ан эдик. Вьетнамлик мухлислар-ни-ку қўятуринг, ҳатто футболчилар ҳам бунга ўзларини руҳан тайёр-лашгандек эди. Бу уларнинг сўнгги дақиқалардаги ўйиндан сезилим-турди. Чунки бундан аввалги икки ўйинда пеналтилар сериясида ғолиб бўлган сабабли бу сафар ҳам пеналти-лар сериясига катта умид боғлаган бўлишса, ажаб эмас. Напожада ўйиннинг сўнгги дақиқаларида муқаррар ҳазонандилар. Рақиб футболчиларини ҳурмат қил-ган ҳолда айтиш мумкинки, бу ҳақиқий ўйин ва адолат тан-танаси эди. Мухлислар учун борича ва борини бериб ўйна-ган футболчиларимиз ниҳоят ўз мақсадига эришди. Қўшимча вақт-нинг иккинчи бўлими якунланишига бир дақиқа қолганида бурчакдан оширилган тўпни Андрей Сидоров дарвоза томон оёғи билан йўллади ва терма жамоамиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, Осиё чемпиони бўлди!

Ўйин бошланганидан то сўнгига қадар халқи-миз футболчиларимиз билан бирга югурди, бирга



совуққотди, бирга ҳаяжонланди, бирга Ватан шаънини улуг тугди ва бирга ғалаба қилди! Бутун ўзбекистонликларнинг кўкси осмон бўлди. Президенти табриқда келтирилганидек, «Сизлар қўлга киритган мислсиз бу ғалаба бутун халқи-мизга чексиз қувонч бағишлаб, Ўзбекистон ёшлар-нинг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Бу улкан зафар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни мардлик ва матонат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшад».

Бундай ғалабани нишонламай, оламга жар со-либ, овоза қилмай бўладими?! Мана, ижтимоий тармоқларда кўраямиз: Вьетнам халқи финал ўйинини стадионларда томоша қилишди. Ютқиз-ганига қарамай, Вьетнам футбол тарихида шонли саҳифа очган футболчиларни миллат қаҳрамон-ларидек қўтиб олишди. Қувсезарлиси, биз ҳам қаҳрамонларимизни қаҳрамонлардек қаршила-дик. Ярим тун бўлишига қарамай Ислоҳ Каримов номидаги халқаро аэропортда футболчиларимиз Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими ва бир қатор мутасадди-лар, кенг жамоатчилик, мухлислар ва журналист-лар қуршовида тантанали қўтиб олинди. Ҳар би-рига ўзимизнинг оппоқ «Малибу» русумли ав-томобиллар Президент совғаси сифатида туҳфа этилди. Ҳа, улар бундай шарафга, эътиборга лойик. Улар халқимизнинг нималарга қодирли-гини дунёга намойиш этишди. Қишнинг совуқ қунарларида қалбимизни ғурурга тўлдирди, кўта-ринки кайфият улашди.

Мудом ғалабалар ёр бўлсин, элим,  
Мудом хушвақт бўлсин тонгу шомимиз.  
Бир нафас зикрдан тўхтамас дилим...  
Дунёларни тутсин ЎЗБЕК номимиз!

Ғалабадан илҳомланиб ушбу сатрларни ёзган шоира Озода Бекмуродова ҳис қилган жўшқин туйғулар ҳар биримизнинг қалбимизда талотўп қилаётган бўлса, ажаб эмас. Ғалаба муборак!

Акмал ТОШЕВ,  
«Ishonch» муҳбири

Жасур КЕНГБОВ,  
журналист:

Ёшларимизга финалда мағлуб бўлган Вьетнам терма жамоаси ҳам юртида ғолиб-лардек қўтиб олинди. Мен шу ўйинда қандайдир бир бегу-борликни кўрдим. Эҳтимол, бу коррупциясиз, манфаатсиз ўйин бўлган, балки ўта му-раккаб шароитда қаҳрамон-ларча тўп тепишиб, ҳалоллик бўлгани учундир... Ғолиб ёшлар-имиз ҳам, мағлуб рақиб ҳам эҳтирмага сазовор.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ,  
журналист:

Биз бу ўйинни Янейўлдаги қаҳ-вагонлардан бирида кўрдик. Қаҳвахонадагиларнинг ҳаммаси эриқлар эди. Ҳаммаи кўзида ёш эди. Бу қувонч ёши эди. Бу эр-танги кунга ишонч ёши эди. Йи-гитларга раҳмат.

Рашиджон АБДУЛЛАЕВ,  
адвокат:

Дастлаб Қатар ёшлар терма жамоасидан қабул қилиб олинган мағлубиятдан кейин «бўлди ҳаммаси тамом» дедим. Ҳатто терма жамоа мураббийи Рашид Хайдаровнинг ўйиндан кейин берган интервьюсида «йигитларимиз ўз имкониятлари даражасида ўйнай олмадилар», деганида яна ўша «оқтий» гапларни бу мураббий ҳам такрорлапти деб ўйладим. Аксинча, бош мураббий ҳақ бўлиб чиқди. У футболчиларимизни нафақат бир ярим соатлик ўйинларга, балки 2 соатдан ортқ давом этайдиган ўйинларга ҳам тайёрлаганини кўрдик. Йигитларимиз ғолибликка муносиб эканини исботладилар.



## Кўнглим ўсди менинг...

Кўнглим ўсди менинг,  
Кўнглим бирдан ўсди!  
Кўқларга тутаниб кетгандек зўё,  
Кўқсим ҳам юксалди, тоғлардан ошди!  
Кўзимдан ёддулар гуллаб туюдилар,  
Бунчалар шуқули, бунчалар тоғли...  
Осмонни кўтариб учди қушчалар,  
Бунчалар фараҳбахш, бунчалар шодлик!

Кўвонди, бутун бир денгиздек бир халқ,  
Кўвонди, улкан ва мурғак юраклар!  
Кўкка қанот болаб учди, боқингиз,  
Юрак тубидаги жавҳар тилақлар!

Мудом ғалабалар ёр бўлсин, элим,  
Мудом хушвақт бўлсин тонгу шомимиз!  
Бир нафас зикрдан тўхтамас дилим...  
Дунёларни тутсин ЎЗБЕК номимиз!

Озода БЕКМУРОДОВА,  
шоира



### MUASSIS:



2007-йил 11-январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 116-raqam  
билан ro'yxatga olingan.

Бosh муharrir:  
Jahongir Sharofboyev

Тahрир hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov,  
Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror  
Ishaxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova,  
Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:

2021 0000 0004 3052 7001,  
ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali,  
bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 87100

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston  
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:

A. Toshhev  
Navbatchi:  
J. Ergashev  
Musahhih:  
S. Shodiyeva  
Sahifalovchi:  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 01:20  
Topshirildi — 01:40  
2 3 4 5 6  
Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma A — 109.  
31839 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133